

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЧАНОВ АЗАМАТ АБАДОВИЧ

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ
(Ўзбекистон Республикаси энергетика саноати
корхоналари мисолида)

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии по экономическим наукам (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on economics sciences**

Матчанов Азамат Абадович

Саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми (Ўзбекистон Республикаси энергетика саноати корхоналари мисолида)..... 3

Матчанов Азамат Абадович

Организационно-экономический механизм повышения эффективности деятельности промышленных предприятий (на примере предприятий энергетической отрасли Республики Узбекистан)..... 31

Matchanov Azamat Abadovich

Organizational and economic mechanism of increasing the efficiency of industrial enterprises (on the example of enterprises of the energy industry of the Republic of Uzbekistan) 59

Эълон килинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЧАНОВ АЗАМАТ АБАДОВИЧ

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ
(Ўзбекистон Республикаси энергетика саноати
корхоналари мисолида)

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/ Iqt1183 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (info@ifmr.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Аллаева Гулчехра Жалгасовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Тешабаев Тулқин Закирович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Саматов Гаффар Аллакулович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ куни соат __:___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Университет кўчаси 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00, факс: (99871) 227-101-32, e-mail: tstu_info@tstu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Университет кўчаси 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00, факс: (99871) 227-101-32, e-mail: tstu_info@tstu.uz.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.А.Икромов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

О.И.Бегмуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д. PhD

М.А.Тилляходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.б., и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтисодийнинг рақамли-технологик ривожланиш даражасининг янада ортиб бориши, инновацион талабларга кўра саноат маҳсулотлари таркибининг такомиллашуви, ишлаб чиқаришнинг юқори технологик асосларда ташкил қилиниши, иш жойининг сунъий интеллектга асосланиш жараёнининг босқичи ва ишлаб чиқаришнинг энергетик асосларининг кучайиб бориши шароитида энергетика саноати маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Global Market Insights маълумотларига кўра «2021 йилда глобал иссиқлик энергияси бозори 150 миллиард доллардан ошиб, 2026 йилга келиб иссиқлик энергиясининг йиллик глобал истеъмоли 14000 ПЖ дан ошиши кутилмоқда»¹. Бугунги кунда соҳани инновацион-сунъий технологияларга кўра ривожлантириш шароитида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ва талабни мақсадли қондирилган ҳолда энергетика саноатини ривожлантиришнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қартилмоқда.

Жаҳонда энергетика саноатини самарали ривожлантириш, чекланган ресурслар шароитида энергетика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рақамли ва сунъий интеллектга асосланган технологияларга кўра ташкил қилиш, рақобатбардошликни ошириш ва самарали фаолиятни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби йўналишидаги тадқиқотларга устувор даражада қаралмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотларда юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, истеъмолчиларни иссиқлик ва электр маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашда электр, нефт ва газ таъминотини рационал ташкил қилиш каби йўналишидаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда энергетика соҳасини самарали ривожлантириш, ишлаб чиқаришни замонавий асосларда модернизациялаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва малакали кадрлар тайёрлаш каби йўналишларда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепсияси”га кўра электр энергияси ишлаб чиқаришини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, соҳа техник-технологик базани мустаҳкамлаш, истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш каби вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда бошқарув жараёнини такомиллаштиришга кўра ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, истиқболли маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва чиқиндиларни камайтириш бўйича таклифларни асослаш, мавжуд ресурслардан, жумладан асосий воситалардан самарали фойдала-

¹ District Heating Market Size By Source (CHP, Geothermal, Solar, Heat Only Boilers), By Application (Residential, Commercial {College/University, Office, Government/Military}, Industrial {Chemical, Retnery, Paper}), Industry Analysis Report, Regional Outlook, Covid-19 Impact Analysis, Price Trends, Competitive Market Share & Forecast, 2020 - 2026 // [Электронный ресурс] URL: <https://www.gminsights.com/industry-analysis/district-heating-market> (дата обращения: 23.06.2021).

нишга таъсир этувчи омилларга кўра прогноз кўрсаткичларини асослаш йўналишидаги тадқиқотларни ташкил қиилш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги УП-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида», 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 27 мартдаги ПҚ-4249-сон «Ўзбекистон Республикаси электр энергетикасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналари самарадорлигини ошириш муаммолари кўплаб хорижий олимлар, жумладан Ж. Кларк, А. Смит, Д. Риккардо, Р. Кейвис, Ф. Хайек, А. Маршалл, М. Портер, Ж. Шумпетер, М. Мескон, М. Альберт, Ф. Хедоури, Ф. Котлер, К. Макконнелл, С. Брю, Ф. Найт ва бошқалар² томонидан ўрганилган.

Ташкилий-иқтисодий механизм категорияси тадқиқотига бағишланган, И.Л. Борисенко, Л.И. Евенко, С. Е. Каменицера, Т. Коно, Б.З. Мильнера, Ю. М. Осипова, В.Н. Попова, Д.В. Соколова³ ва бошқаларнинг ишларидир.

Ўзбек олимлари: С.С. Гулямов, Н.М. Махмудов, М.А. Икрамов, Г.А. Саматов, Т.З. Тешабаев, М.А. Махкамова, А.М. Кодиров, Г.А. Бурханов, Д.С. Косимова, Г.Ж. Аллаева, Г.Б. Юсупходжаева, С.А. Набиева, Б.Ж. Баймирзаев, М.С. Саиткамолов⁴ ва бошқалар республика иқтисодийнинг турли

² Clark J. M. Towards a Concept of Workable Competition // American Economic Review, 1940. Vol. 30 (2). P. 241-256., Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. Петрозаводск: «Петроком», 1993. 319 с., Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Петрозаводск: Петроком, 1993. 159 с. Caves R. E. Trade and economic Structure. L.: Models and Methods, 1956. 115 p., Хайек Ф. А. Дорога к рабству. М.: Экономика, 1992. 175 с., Маршалл А. Принципы экономической науки / пер. с англ. М.: Изд. группа «Прогресс», 1993. 310 с., Porter M. E. On Competition. Boston: Harvard Business School, 1998. 485 p., Шумпетер Й. Теория экономического развития 1911–1936 гг. М.: Директмедиа Паблишинг, 2008. 401 с., Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер. с англ. Учебник. - М.: Дело ЛТД, 2010. - 701 с., Котлер Ф. Маркетинг. Менеджмент / Ф. Котлер, К. Келлер; пер. с англ. - 12-е изд. - СПб.: Питер, 2009. - 816 с., Портер Майкл Э. Конкуренция / М. Э. Портер; пер. с англ. - М.: Вильямс, 2005. - 608 с., Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. 14-е изд., дораб. и испр. - М.: Инфра-М, 2003. - 972 с., Найт Ф. Риск, неопределенность и прибыль. М.: Дело, 2003. 360 с.

³ Борисенко И.Л. Развитие организационно-экономических наук: теория и методология / И.Л. Борисенко; Воронеж, гос. техн. ун-т. - Воронеж: ВГТУ, 2002. - 149 с., Евенко Л.И. Организационные структуры управления промышленными корпорациями США. Теория и практика формирования. - М.: Изд-во «Наука», 1983.-352 с., Организация крупных производственно-хозяйственных комплексов и управление ими / Под ред. С. Каменицера, М. Мельник. - М.: Прогресс, 1981.-240 с., Коно Т. Стратегия и структура японских предприятий: Пер. с англ. / Общ. ред. и вступ. ст. О. С. Виханского. - М.: Прогресс, 1987. - 384 с., Мильнер Б.З., Евенко Л.И., Рапопорт В.С. Системный подход к организации управления. - М.: Экономика, 1983. - 224 с., Осипов Ю.М. Основы теории хозяйственного механизма. - М.: Изд-во МГУ, 1994.-368 с., Попов В.Н. Организационно-экономический механизм объединения (на примере научного производственного концерна). - Воронеж: Изд-во ВГУ, 1994.-176 с., Соколов Д.В. Основы организационного проектирования: предпринимательский подход. - М.: Экономика, 1991. - 146 с.

⁴ Гулямов С.С. Экономика, основанная на знаниях. Народное слово, 16.06.2008.; Махмудов Н.М., Ахмедов Д.К. Организация научной деятельности ТГЭУ. Рынок, деньги и кредит. –Ташкент: 2001; Икрамов, М.А. Стимулирование роста конечных результатов деятельности промышленных предприятий в условиях рыночных отношений: диссертация ... доктора экономических наук: 08.00.05 / Санкт-Петербург. инж-экон. ин-т. - Санкт-Петербург, 1992; Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Дисс.док. экон. наук. – Т.: 2004. - 291 с.; Кадыров А.М. «Инновационный потенциал развития промышленных предприятий республики в условиях рынка». Научно-

тармоқлари ва секторларида корхоналар самарадорлигини оширишнинг ташкилий, услубий ва иқтисодий механизмларини ўрганиш устида ишламоқда.

Шу билан бирга, илмий адабиётларда саноат корхоналари, хусусан энергетика соҳасидаги самарадорликни оширишнинг ташкилий ва иқтисодий механизмлари, шунингдек, ўзига хос ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектлар ва инфратузилма воситаларини киритиш орқали мамлакат энергетика саноатининг инновацион салоҳиятини изчил ривожлантириш етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур йўналишда тадқиқотлар ўтказиш зарурати ушбу диссертациянинг мақсад ва вазифаларини танлашни олдиндан белгилаб берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасига мувофиқ №Ф.1.100 «Инвестиция салоҳияти назариясини ва уни шакллантириш механизмларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

саноат корхоналари самарадорлигини таъминлашнинг назарий ва услубий жиҳатларини ўрганиш;

саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнини ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини ўрганиш;

ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини самарали қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

«Yangi Angren IES» АЖ самарадорлигини ошириш асосий таркибий қисмларини аниқлаш;

энергетика саноати корхоналари самарадорлигини ошириш бўйича хорижий тажрибани ва ундан ички шароитда фойдаланиш имкониятларини ўрганиш;

«Yangi Angren IES» АЖда ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

практическая конференция «Новое качество экономического роста: инновации, конкурентоспособность, инвестиции». -Т., 23 апреля 2008 г.; Саматов Г.А. Повышение эффективности функционирования регионального пассажирского автотранспортного комплекса: Автор. дисс. док. экон. наук, –М.: МАДИ, 1990. –39 с.; Бурханов А.У. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари: и.ф.д. дис. – Т.: 2011 – 296 б.; Тешабаев Т.З., А.М.Кадиров. Развитие инфраструктурных компонентов рынка информационно-коммуникационных услуг в Узбекистане. Технологии информационного общества. XI Международная отраслевая научно-техническая конференция: сборник трудов. 2017. Издательство: ООО «Издательский дом Медиа публишер» (Москва); Баймирзаев Б.Ж. «Ўзбеккўмир» акционерлик жамиятини инновацион фаолият асосида самарали ривожлантириш». Автореферат диссертации доктора философии по экономическим наукам (PhD). ТГТУ, Ташкент 2020; Набиева С.А. Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш (Муборак нефт ва газ казиб чиқариш бошқармаси корхоналари мисолида). Автореферат диссертации доктора философии по экономическим наукам (PhD). ТГТУ, Ташкент 2021; Қосимова Д.С. Нефть-газ тармоғини ривожлантиришда инвестиция стратегиясини баҳолаш мезонлари. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, сентябрь, 2011 йил; Аллаева Г.Ж. Проблемы формирования и развития инновационной энергетики в Республике Узбекистан. Проблемы современной экономики. Евразийский международный научно-аналитический журнал. № 3, 2016 г. Санкт-Петербург, Россия; Г.Б. Юсупходжаева. JSC "GLONASS" innovative navigation and information technologies in Uzbekistan. Energy Systems Research 2021 E3S Web of Conferences 289, 07031 (2021) <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202128907031/>; Saitkamolov M.S. O'zbekiston Respublikasi issiqlik energetikasi korxonalarini barqaror rivojlantirish strategiyasini takomillashtirish. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати 2023 йил 25 бет.

«Yangi-Angren IES» АЖ ишлаб чиқариш салоҳияти самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий технологияларни жорий этишнинг энг долзарб йўналишларини аниқлаш;

«Yangi-Angren IES» АЖ фаолиятининг эконометрик моделини ва уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси энергетика саноати корхоналари, хусусан «Yangi Angren IES» АЖ олинган.

Тадқиқотнинг предмети энергетика саноати корхоналарининг ташкилий-иқтисодий фаолияти муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда эвристик, эксперт баҳолаш, статистик гуруҳлаш, корреляция, иқтисодий, статистик, график таҳлил, регрессия таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми бошқарувнинг назорат босқичида ишлаб чиқариш самарасини башорат қилишга кўра такомиллаштирилган;

электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг истиқболли тури ва чиқиндиларни камайтириш бўйича Clean Coal ёки HELE технологияси иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан самарали эканлиги асосланган;

асосий воситалардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларга кўра «Yangi Angren IES» АЖ иқтисодий фаолиятининг 2028 йилга қадар мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ва ривожланишнинг истиқболли йўналишлари ишлаб чиқилган;

электр энергиясини ишлаб чиқариш субъектида иқтисодий рискларни олдиндан аниқлашнинг ташкилий-иқтисодий механизми маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ тузилмалар (бўлимлар) фаолиятининг мақсадли параметрларга мувофиқлигига кўра такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Yangi Angren IES» АЖ молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили ўтказилди ва энергетика саноати корхоналари самарадорлигини ошириш бўйича хорижий тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари асосланган;

«Yangi Angren IES» АЖ ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва замонавий технологияларни жорий этиш йўналишлари асосланган;

«Yangi Angren IES» АЖ фаолиятининг эконометрик моделига кўра уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинганлиги ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда синовдан ўтганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-услубий таклифлар

замонавий технологияларни жорий этиш ва энергетика соҳасида фаолиятни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга ҳамда соҳага оид назарий-услубий ва услубий аппаратни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф ва тавсиялар энергетика саноат комплекси корхоналари самарадорлигини ошириш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар ҳамда инновацион ва илмий-техник ишланмаларни тайёрлашда ҳамда соҳага оид ўқув дастурлари ва адабиётларини такомиллаштиришда фойдаланиши муқимлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Саноат корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми унинг назорат босқичида ишлаб чиқариш самарасини башорат қилишга кўра такомиллаштириш таклифи «Yangi Angren IES» АЖ фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2023 йил 23 августдаги 02-18-5031-сон маълумотномаси; «Yangi Angren IES» АЖнинг 2023 йил 11 мартдаги 05/283-сон маълумотномаси). Таклифнинг жорий этилиши «Yangi Angren IES» АЖ асосий фаолиятдан олинган фойда миқдорининг 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 2,45 фоизга ўсишига имкон яратган;

электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг истиқболли тури ва чиқиндиларни камайтириш бўйича Clean Coal ёки HELE технологияси иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан самарали эканлиги бўйича таклиф «Yangi Angren IES» АЖ фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2023 йил 23 августдаги 02-18-5031-сон маълумотномаси; «Yangi Angren IES» АЖнинг 2023 йил 11 мартдаги 05/283-сон маълумотномаси). Мазкур технологиянинг жорий этиши кўмир ёниши чиқиндисининг 2 фоизга ва «Yangi Angren IES» АЖ фойдали иш коэффицентининг 37,5% дан 38,1% гача ошишига муайян даражада таъсир кўрсатган;

асосий воситалардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларга кўра «Yangi Angren IES» АЖ иқтисодий фаолиятининг 2028 йилга қадар мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ва ривожланишнинг истиқболли йўналишлари «Yangi Angren IES» АЖ фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2023 йил 23 августдаги 02-18-5031-сон маълумотномаси; «Yangi Angren IES» АЖнинг 2023 йил 11 мартдаги 05/283-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалга ошириш натижасида 2028 йилда асосий воситаларни ривожлантириш 2022 йилга нисбатан ўсиши ва таркибининг такомиллаштирилишига муайян даражада хизмат қилган;

электр энергиясини ишлаб чиқариш субъектида иқтисодий рискларни олдиндан аниқлашнинг ташкилий-иқтисодий механизми маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ тузилмалар (бўлимлар) фаолиятининг мақсадли параметрларга мувофиқлигига кўра такомиллаштириш бўйича таклиф «Yangi

Angren IES» АЖ фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2023 йил 23 августдаги 02-18-5031-сон маълумотномаси; «Yangi Angren IES» АЖнинг 2023 йил 11 мартдаги 05/283-сон маълумотномаси). «Yangi Angren IES» АЖ фаолиятида ушбу таклифнинг амалга оширилиши натижасида соф фойда 60,3 миллиард сўмга ошишига муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияда, жумладан 2 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, улардан 7 таси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, шундан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 163 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида олиб борилаётган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланиб, уларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди, муаммони билиш даражаси ва унинг диссертация ўтказилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, объект ва услублар баён қилинган, илмий янгилик ва амалий тадқиқот натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва амалга оширилиши, синовдан ўтказилиши, нашр этилиши, тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

«Саноат корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришнинг назарий асослари» деб номланган диссертациясининг биринчи бобида энергетика саноати корхоналарининг иқтисодий самарадорлигининг назарий асослари ва мезонлари, саноат корхоналари самарадорлигини баҳолашнинг замонавий усулларининг хусусиятлари, энергетика саноати корхоналари самарадорлигини ошириш ташкилий ва иқтисодий механизми ва унинг асосий элементлари ўрганилади ва умумлаштирилади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида жаҳон иқтисодий амалиётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар самарадорликнинг талаблари ва стратегик мақсадларини сифат жиҳатидан ўзгартирди ва корхоналарнинг иқтисодий фаолияти ҳолатини акс эттирувчи энг муҳим мураккаб тоифалардан бирига айланиб, саноат корхоналари фаолиятини янада ривожлантиришни белгилайдиган ишлаб чиқариш тузилмасининг мақсад ва

вазифаларидан келиб чиққан ҳолда устувор йўналишлар, ишлаб чиқариш ва молиявий имкониятлар таҳлилини кучайтириш зарурлигини аниқ белгилади.

Турли тадқиқотчиларнинг илмий ишлари ва назарий қарашларига ҳурмат кўрсатган ҳолда, самарадорликнинг моҳиятини тушуниш учун, муаллифнинг фикрига кўра, тақдим этилган ёндашувларни бирлаштириш ва «самарадорлик» тушунчасини сифат ва миқдорий хусусиятларнинг иқтисодий тоифаси сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва у рақобат потенциалининг таъсирини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда корxonанинг стратегик мақсадларига эришиш даражаси билан белгиланадиган мақсадли ва иқтисодий самарадорлик, шунингдек якуний натижанинг уни олиш учун сарфланган ресурслар билан нисбатини қамраб олади (1-расм).



1-расм. Корхона самарадорлигининг асосий таркибий қисмлари.⁵


Корxonанинг молиявий-хўжалик фаолияти мезонлари бошқарув самарадорлигини таҳлил қилиш учун энг муҳим йўналиш ва ишончли асосдир. Ушбу натижаларнинг ҳар томонлама табиати нафақат корхона фаолияти кўрсаткичларини, балки унинг ҳамкорларининг кўрсаткичларини ҳам ўз ичига олади. Электр энергетика корxonасининг ўз фаолияти самарадорлигини ушбу натижаларни батафсил таҳлил қилиш, кенг қўламли таҳлилий ёндашувлар ва энг замонавий ахборот таъминотидан фойдаланган ҳолда баҳолаш мумкин.

Энергетика корxonаларининг самарадорлигини баҳолаш ва юқорида келтирилган ёндашувлардан фойдаланган ҳолда ишларни режалаштириш орқали корxonалар энергия харажатларини камайтириши, шу билан бирга уларнинг умумий самарадорлиги ва узоқ муддатли барқарорлик қобилиятини ошириши мумкин. Энергетика хизматлари учун ушбу кўрсаткичлар тизимлари бир қатор сифатларда, шу жумладан ҳар қандай савдо ёки саноат корxonаларида фойдаланишга мослашувчанлиги, таклиф қилинган турли кўрсаткичларни бирлаштириш қобилияти ва уларни қўллаш самарадорлигининг юқори даражасида фарқланади. Бир вақтнинг ўзида

⁵ Муаллиф томонидан тузилган

ишлаб чиқилган моддий рағбатлантириш корхонада маҳсулот таннархини пасайтириш ва корхонада асосий ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштириш учун ишончли шарт-шароитларни таъминлайди.⁶

Самарадорликнинг турли шакллари ўрганиб чиқиб, биз уларни қуйидаги мезонлар бўйича умумлаштирилган таснифлашни таклиф қилдик: бошқарув даражасига қараб; миллий иқтисодиёт соҳасини қамраб олиш даражаси бўйича; муайян иқтисодий манфаатларни акс эттириш даражаси бўйича; иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлардаги фарқ бўйича; кўпайтириш босқичларини қамраб олиш даражаси бўйича; турли хил ресурсларни ҳисобга олиш даражаси бўйича; иқтисодий вазифаларнинг мақсадларига қараб; ҳаракат вақти бўйича (расм.2).⁷



2-расм. Самарадорлик шакллари таснифи.⁸

Шундай қилиб, биз корхона фаолиятининг самарадорлиги ишлаб чиқариш, молиявий, маркетинг, савдо ва инвестиция фаолияти натижадорлиги даражасини акс эттириш шакли, шунингдек, истеъмолчилар

⁶ Долгова А.В. Основные подходы к определению экономической эффективности для предприятий строительной индустрии // Вестник Воронежского государственного университета инженерных технологий. - 2015. - № 1 (63). - С. 259-262.

⁷ http://www.tisbi.ru/Resources/Vestnik/vest00_2/vest2_8.htm (internet)

⁸ Муаллиф ишланмаси

эҳтиёжлари ва бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш ва айланиш жараёнида мавжуд ресурслар турларидан (моддий, меҳнат, молиявий, ахборот, интеллектуал) фойдаланиш самарадорлиги даражаси деган хулосага келдик.

«Механизм», «иқтисодий механизм», «ташкилий механизм», «ташкилий-иқтисодий механизм» каби тоифаларнинг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек улар ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро боғлиқликни, ҳар бирининг мазмунини аниқлаб, биз шундай хулосага келдикки, корхонанинг самарадорлиги - бу ўзаро боғлиқ ва қатъий тартибга келтирилган ташкилий - иқтисодий тадбирларнинг комплекс тизими бўлиб, бошқарувнинг тегишли шакллари ва усулларидан фойдаланган ҳолда муваффақиятли амалга оширилиб, корхонага фаолиятининг барча соҳалари ва бошқарувнинг барча даражаларида самарадорликни оширишни таъминлашга имкон беради.


Ушбу механизмнинг мазмуни аниқ муносабатларни ўрнатиш, қатъий тартиблаш ва ишлаб чиқиладиган ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар бўлган унинг таркибий элементларининг аҳамият даражасини аниқлашдан иборат, шунингдек, корхонанинг иқтисодий фаолияти самарадорлигининг энг юқори даражасига эришиш мақсадида иш сифатини сақлаб қолиш учун зарур воситаларни ва уларни амалга оширишнинг энг самарали усуллари танлашдан иборат.

«Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланишининг янги босқичида энергетика саноати корхоналарининг самарадорлигини баҳолашнинг ҳозирги ҳолати ва таҳлили» номли диссертациянинг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси энергетика сектори корхоналарининг асосий кўрсаткичлари ва фаолияти самарадорлиги таҳлили ҳамда «Yangi Angren IES» АЖ нинг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили ўтказилди, шунингдек, энергетика саноати корхоналари самарадорлигини ошириш бўйича хорижий тажриба ва ундан ички шароитда фойдаланиш имкониятлари ўрганилди.

Электр энергетикаси ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлайдиган ажралмас таркибий қисмдир. Айнан шу соҳа иқтисодиётнинг реал тармоқларини изчил ривожлантириш, фуқароларнинг фаровон ҳаёти учун имконият бериб, таълим, ижтимоий таъминот, тиббиёт ва давлат хизматлари каби муҳим ижтимоий соҳаларнинг узлуксиз ишлаши учун шароит яратади.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун 2021 йилда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли томонидан электр энергияси истеъмоли таркибига қараш кифоя: саноат - 35,9%, аҳоли - 27,7%, қишлоқ хўжалиги -16,6%, коммунал хизматлар-4%, бюджет ташкилотлари - 2,4%, транспорт - 1,5%, қурилиш - 1% ва бошқалар - 10,8%. Энергия истеъмолига келсак, 2019 йилдан бошлаб йиллик талаб таклифдан ўртача 3% дан ошиб кета бошлади. Шундай қилиб, 2021 йилда электр энергиясининг етишмаслиги кўшни давлатлар импорти билан қопланди: Туркманистон-64%, Тожикистон-20,3%, Қозоғистон-11,3% ва Қирғизистон-4,4%.

Шуниси эътиборга лойиқки, 2021 йилда электр таъминоти бозоридаги қулай нарх ҳолати туфайли Афғонистонга электр энергиясини экспорт қилишда мамлакат импорт электр энергиясининг қарийб 31,3 фоизини қоплашга муваффақ бўлди. «Ўзбекистон Республикасини 2020-2030 йилларда электр энергияси билан таъминлаш концепцияси» га мувофиқ, 2030 йилгача электр энергияси истеъмолнинг йиллик ўсиши 6-7% ни ташкил этади ва 120,8 миллиард кВт / соатга яқин қийматларга етади.



3-расм. Электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажмининг динамикаси.⁹

2021 йил охирига келиб, мамлакат электр станцияларининг ўрнатилган қуввати 1,2% га ошди ва 16,527 МВтни ташкил этди. Таққослаш учун, Қозоғистонда-23 957 МВт, Тожикистонда – 6577 МВт, Қирғизистонда-932 МВт. «2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси» га мувофиқ, 2030 йилга келиб барча станцияларнинг ўрнатилган қуввати 29 200 МВт га етади, шундан ҚТЭМ (ГЭС, ШЭС, ФЭС) улуши 40,4% ни ташкил этади.

1-жадвал

Ўзбекистонда электр энергияси ўрнатилган ишлаб чиқариш қуввати (ГВт).¹⁰

Ўрнатилган қувватнинг тури	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2020 йилнинг 2010 йилга нисбати %
Ўзбекистон республикаси	12,5	12,6	12,5	12,6	13,1	13,0	13,2	14,1	14,4	14,2	15,9	16,6	132,6
шу жумладан электр станциясининг тури													
иссиқлик электр станциялари (ИЭС) ва иссиқлик электр марказлари (ИЭМ)	10,8	10,8	10,8	10,8	11,3	11,2	11,3	12,2	12,5	12,3	14,0	14,6	135,8
Гидроэлектростанциялар (ГЭС)	1,7	1,8	1,8	1,8	1,8	1,9	1,9	1,9	1,9	1,9	1,9	2,0	112,8


⁹ Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

¹⁰ Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Мамлакатимизда электр энергиясининг асосий манбалари 8 та иссиқлик электр станцияси ва 3 та иссиқлик электр марказларидир. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида энергия ишлаб чиқарувчи қурилмаларнинг қуввати тахминан 2800 МВт, ёки иссиқлик электр станцияларининг умумий қувватининг 25,5% ни ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки, саноат соҳасидаги ислохотлар натижасида тармоқда электр энергияси истеъмолини камайтиришга эришилди ва 2020 йилда 18,28 млрд. кВт/соат ташкил этди. Бу 2010 йилга нисбатан 3,7 % кам. 2020 йилда қишлоқ хўжалигида электр энергияси истеъмоли 2020 йилда 39 % фоизга камайди ва 2019 йилга нисбатан деярли 9,2 млрд. кВт/с ташкил этди.

2020 йилда электр транспорт воситалари ва электр автобусларнинг республика иқтисодиётига кириши натижасида транспорт тармоғида электр энергияси истеъмоли 2019 йилга нисбатан 50 фоизга ва 2010 йилга нисбатан 11,2 фоизга кам бўлди.



4-расм. 2020-2030 йилларга қадар электр энергиясига бўлган талабнинг йиллик ўсиш динамикаси (млрд кВт.соат).¹¹

Ўзбекистон энергетика тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг кўрсаткичларига мувофиқ, 2030 йилга келиб электр энергиясига бўлган талабнинг йиллик ўсиши ўртача 6-7 фоизни ташкил этади. 2030 йилга келиб Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш 120,8 млрд. кВт/соат 2020 йилга нисбатан 1,75 баравар кўпайиши прогноз қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг электр энергиясига бўлган талаби 21,9 млрд. кВт/с ташкил этади ва бу 2021 йилга нисбатан 1,45 баравар кўп. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида электр энергиясига талаб 85,0 миллиард кВт / соат эквивалентида ташкил этади ва 2021 йилга нисбатан 1,86 баравар кўпайиши кутилмоқда.

«Yangi Angren IES» АЖ Марказий Осиё минтақаси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Нуробод шаҳрида жойлашган. «Yangi Angren IES» АЖ, Ўзбекистон Республикаси ягона энергетика тизимида кирди ва 2100 МВт қувватга эга Марказий Осиёдаги энг йирик электр

¹¹ 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси

станцияларидан бири ҳисобланади. «Yangi Angren IES» АЖ Ўзбекистон Республикасининг Фарғона водийси, Тошкент шаҳри ва Олмалик саноат зонасини электр энергияси билан таъминлаш учун мўлжалланган.

2021 йилда «Yangi Angren IES» АЖ 3,909 млн. кВт. электр энергиясини ишлаб чиқарди, бу бизнес-режага нисбатан 33,63 фоизга кам. Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш 140,818 млн. Гкал, бу бизнес-режага қараганда деярли 58 млн. гкалл. кам.

2-жадвал

«Yangi Angren IES» АЖ асосий воситаларининг таҳлили (минг сўм).¹²

№	Кўрсаткичлар	Йиллар							
		2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Асосий воситалар:									
1	Дастлабки (тикловчи) қиймати	388410,6	408570,6	525421,4	577879,0	830495,7	888691,0	984449,3	995783,4
2	Амортизация миқдори	116856,1	138819,6	162758,8	177798,5	236661,3	260655,2	308383,7	339924,2
3	Қолдиқ (баланс) қиймати	271554,5	269750,9	362662,5	400080,5	593834,4	628035,8	676065,5	655859,2

Агар асосий воситалар кўрсаткичларини 2-жадвалда кўриб чиқсак, 2014 йилда улар 388410,6 минг сўмни, 2021 йилда эса 998783,4 минг сўмни ташкил этганини кўриш мумкин, хусусан, ушбу кўрсаткич 2021 йилгача бўлган даврда 2014 йилга нисбатан деярли 3 барабар ошган, амортизация миқдорини ҳисобга олган ҳолда қолдиқ баланс қиймати ҳам ошгани аниқ.

3-жадвал

«Yangi Angren IES» АЖ молиявий кўрсаткичлари таҳлили (млн. сўм).¹³

№	Кўрсаткичлар	Йиллар							
		2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Молиявий натижалар									
1	Маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан олинган соф тушум	563929	740481,1	677024,4	638351,5	959040,4	1480945,7	1503341,5	1502167,8
2	Сотилган маҳсулот таннари (товарлар, ишлар ва хизматлар)	53717,4	647 263,9	690 239,6	681 860,3	956 172,4	1442869,4	1508950,3	1502174,2
3	Маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан олинган ялпи фойда (зарар)	26754,6	93 217,2	-13215,2	-43508,7	2867,9	38076,2	5608,8	6331


Ушбу кўрсаткич йиллар давомида аста-секин тушган ва 2021 йилга келиб 60,7 минг суммага камайган. Шунингдек, 2014 йилда иш ҳақи бўйича қарздорлик 4383,8 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 4,4 минг сўмгача камайди.

¹² «Yangi Angren IES» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

¹³ «Yangi Angren IES» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Шунингдек, 3-жадвалга маълумотларига кўра, маҳсулот сотишдан тушган соф даромад йиллар давомида қандай ошганини ва сўнгги уч йилда бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан уч барабар ошганини кўришингиз мумкин. Харажат нархи ҳам ошади. Шунингдек, кўриш мумкинки, ташкилотнинг соф даромадидан сотилган маҳсулотлар таннархининг ошиши ёки пасайишига қарамай, 2016-2017 йилларда маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда йўқотиш, 2018 йилдан 2021 йилгача эса фойда билан яқунланган.

Халқаро энергетика агентлиги (МЭА) 2040 йилга келиб, глобал энергия талаби 37 фоизга ўсишини тахмин қилмоқда, бу вақтга келиб иқтисодий ўсиш ва аҳоли ўсиши олдинги йилларга қараганда камроқ энергия талаб қилади.¹⁴



5-расм. G20 мамлакатларида электр энергиясини истеъмол қилиш динамикаси (%/йил).¹⁵

Дунёда электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилдан 2019 йилгача, йилига ўртача 2,7% га барқарор ўсди.¹⁶ 2020 йилда коронавирус тарқалиши билан боғлиқ кўплаб чекловлар туфайли ўсиш тўхтади. Шундай қилиб, 2020 йилда электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 26,823 Тераватт-соатни ташкил этди.

«Саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш» деб номланган диссертациясининг учинчи бобида, «Yangi-Angren IES» АЖда ишлаб чиқариш жараёни самарадорлигини ошириш йўллари, «Yangi-Angren IES» АЖ ишлаб чиқариш салоҳияти самарадорлигини ошириш учун замонавий технологияларни жорий этиш йўналишлари, «Yangi-Angren IES» АЖ фаолиятининг эконометрик модели ва уни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ишлаб чиқилган.

Ҳозирги вақтда, Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётга ўтиши шароитида, энергетика корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятининг

¹⁴ Международное энергетическое агентство (МЭА; англ. International Energy Agency, IEA) - автономный международный орган в рамках Организации экономического сотрудничества и развития (ОЭСР)

¹⁵ <https://eneroutlook.enerdata.net/forecast-world-energy-primary-consumption.html>

¹⁶ CAGR: [Statistical Review of World Energy 2021 by BP](#)

иктисодий самарадорлигини оширишнинг асосий муаммоларидан бири муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг фикримизча, энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш глобал талабларга ва тармоқ даражасида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига жавоб бериши ва умуман дунёдаги мавжуд макроиқтисодий энергия инқирози ҳолатини ҳисобга олиши лозим.

Энергия ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда тўлиқ қамров доирасини ҳисобга олиш керак:

1. зарарсиз энергия ишлаб чиқариш;
2. оптимал энергия тақсимоли;
3. аномал вазиятларни ҳисобга олган ҳолда электр энергиясини қайта тақсимлаш;
4. рационал фойдаланиш;
5. инновацион ривожланиш.

Ташкилий-иктисодий механизмнинг моҳиятини очиб бериш ва энергетика саноатининг ривожланиши шароитида саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш учун, корхона ичидаги барча муносабатларни тавсифлашни биз жуда муҳим деб ҳисоблаймиз (6-расм).

Саноат корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини амалга ошириш босқичлари.

1 босқич - Диагностика

Энергетика корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иктисодий механизмини амалга оширишнинг биринчи босқичи, энергетика саноатининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва иқтисодий ривожланиш шароитида энергетика саноати корхоналарининг ўзаро боғлиқ фаолиятининг йўналишларини аниқлашдан иборат.

Энергетика корхоналарини ривожлантириш стратегияси соҳада қўлланилаётган замонавий технологияларга ҳам, янги қувватларни қуриш суръати ва минтақада зарур минерал ресурслар билан таъминлашга ҳам боғлиқ. Ушбу босқич миқдорий ва сифат жиҳатидан, яъни саноатда аллақачон фаолият юритаётган ва келажакда режалаштирилган ишлаб чиқариш ресурсларга бўлган эҳтиёжларни аниқлашга ёрдам беради. Диагностика босқичида олинган маълумотлар келажакда ўз вақтида ва самарали ишлаб чиқариш қарорларини қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Биринчи босқичнинг якуни бутун мамлакат иқтисодиётини, энергетика комплексини ва корхонанинг ўзини ривожлантириш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш ҳисобланади.

2 босқич – Баҳолаш

Кейинги босқичда энергетика корхоналари фаолиятини мақсадли кўрсаткичларга мувофиқ баҳолаш таклиф этилади. Агар мақсадли кўрсаткичлар стратегияга мувофиқ кутилган режаларга мос келмаслиги аниқланса, ишлаб чиқариш қувватлари ва корхонанинг ишлаб чиқариш

ходимларининг самарадорлигини ошириш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

3 босқич – Ташкил этиш

Ташкил этиш босқичида мақсадларнинг ҳақиқий қийматларини бизнес-режада кўрсатилган кўрсаткичлардан четга чиқиш сабаблари мувофиқлаштирилади. Аниқланган сабаблар даражасига қараб, замонавий бошқарув турларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари белгиланади. Яъни, кўрсаткичларга эришиш учун бюджет чораларини ишлаб чиқиш, фаолиятни жорий этиш учун ишлаб чиқариш ва молиявий дастурни қайта кўриб чиқиш ва фаолият доирасини аниқлаш. Ташкил этиш босқичини амалга ошириш жараёнида корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти тизимини ўзгартириш зарурати пайдо бўлиши мумкин, бу уларни амалда амалга ошириш учун самарали чора-тадбирларни тайёрлашни талаб қилиши мумкин. Тадбирларни ташкил этиш босқичи ишлаб чиқариш ҳажмини ривожлантиришнинг режалаштирилган кўрсаткичларига эришиш учун корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини чуқур ўрганиш муҳимлигини аниқлаши мумкин. Шундай қилиб, ташкилий ва иқтисодий механизм учун барча босқичлар ўртасида боғлиқлик мавжуд.

4 босқич – Назорат

Ушбу босқичда ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш самараси башорат қилинади. Агар башорат қилинган самара корхонанинг бизнес-режасига киритилган мезонларга жавоб берса, у ҳолда самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, самарадорликни ошириш ва натижаларни назорат қилиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

5 босқич – Амалга ошириш


Бешинчи босқич инновацион ечимни амалга ошириш ва ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини ошириш учун Smart Grid технологиясини жорий этишни қамраб олади. Амалга оширилгандан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми ошади ва харажатлар оптималлаштирилади. Якуний босқичда Янги «Yangi-Angren IES» АЖда ишлаб чиқарилган энергия барқарорлаштирилади ва кўпайтирилади.

Ташкилий-иқтисодий механизмнинг барча босқичларини амалга ошириш нафақат мақсадли кўрсаткичларга эришиш орқали ишлаб чиқариш ресурсларини бошқариш самарадорлигини оширади, балки маҳсулот сифатини яхшилади, бу эса корхоналарнинг рентабеллигига ижобий таъсир кўрсатади.

«Yangi-Angren IES» АЖда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий-иқтисодий механизм жорий этилгандан сўнг, асосий фаолиятдан олинган фойда 2021 йил якунларига кўра 284 174 301 минг сўмни ташкил этди ва 121 041 457 минг сўмга 2020 йилга нисбатан ошди, бу 2020 йилга нисбатан 1,74 баравар кўп ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, таҳлил қилинган йилларда «Yangi-Angren IES» АЖнинг иқтисодий самарадорлик даражаси йиллар давомида ўзгариб турди ва унга таъсир қилувчи омиллар асосан корхонанинг асосий

воситаларининг (тузилмалар, узатиш мосламалари, машиналар) юкори даражада эскириши ва корхонанинг соф фойдаси, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, секин айланма активлар, юкори миқдордаги ишлаб чиқариш ва такрорий харажатлардаги ўзгаришлар бўлди.



6-расм. «Yangi-Angren IES» АЖ ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми.¹⁷


¹⁷ Муаллиф ишланмаси

Шу нуқтаи назардан, келажакда энергетика саноати корхоналари ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини таъминлашнинг замонавий усуллари, жараёнлари ва воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек яхшилаш учун асос яратади.

Муаллиф энергетика саноати корхоналарида иқтисодий рискларни олдиндан аниқлашни таъминлаш учун молиявий ташкилий-иқтисодий жараённи таклиф қилади.

Маълумки, корхоналарнинг инвестицион фаоллиги энергетика саноати маҳсулотларига талабни шакллантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Энергетика соҳасидаги технологик янгиликларнинг мантиқий натижаси саноатнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

Энергетика саноатида ишлатиладиган хом ашёни импорт ўрнини босиш бўйича комплекс давлат дастури доирасида саноатни ривожлантиришнинг асосий мумкин бўлган сценарийларини кўриб чиқиш тавсия этилади.



7-расм. «Yangi-Angren IES» АЖ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун иқтисодий рискларни олдиндан аниқлашни таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий жараёни.¹⁸

¹⁸ Муаллиф томонидан тузилган

Муқобил сценарийлар энергетика саноати маҳсулотлари бозорининг 2028 йилгача ривожланиш прогнозига асосланади ва соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси, шакллари ва усулларига боғлиқ:

1. Мамлакат энергетика саноати корхоналарининг самарали ишлаши, ривожланиши ва молиявий барқарорлигини таъминлаш учун уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муҳимдир.

2. Мамлакатимизда энергетика саноати корхоналарида маҳсулот таннархининг кескин ошишининг асосий омилларидан бири бу корхоналарда асосий воситаларнинг ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ҳисобланади. Хусусан, энергетика саноати корхоналари объектлари умумий сонининг 70% дан ортиғи, узатиш мосламалари - 60%, машиналар ва технологиялар - 50% эскирган. Ушбу омил энергетика саноати корхоналари харажатлари ва ишлаб чиқариш таннархининг ошишига олиб келади, шунингдек молиявий ва иқтисодий беқарорликни келтириб чиқаради.

3. Электр энергетикаси корхоналарининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Стратегия ички ва ташқи хавфларни олдиндан билиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишни, шунингдек, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва янги қувватларни қуришни, корхоналарда чиқиндиларни чуқур қайта ишлаш тизимини шакллантиришни, замонавий инновацион технологиялардан кенг миқёсда фойдаланишни, транспорт-логистика тизими ва шу асосда газ таъминотини кўпайтириш ва хом ашё базасини ривожлантиришнинг ҳар хил турларини ўз ичига олади.

4. Ўзбекистон энергетика саноати корхоналари ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини таъминлашга қуйидагилар киради:

модернизация жараёнларини жадаллаштириш ва корхоналарни техник ва технологик қуроллантириш;

бухгалтерия балансидан ҳисобдан чиқариш ва фойдаланилмаган ва ихтисослаштирилмаган активларни корхоналар балансида сотиш;

корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушини инвесторларга сотиш;

корхонада замонавий бошқарув тизимлари ва воситаларини жорий этиш ҳисобига сотиш харажатларининг кескин камайиши;

электр энергиясини ишлаб чиқаришда замонавий экологик хавфсизлик стандартларидан фойдаланиш ва уни бошқариш каби чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Янги «Yangi-Angren IES» АЖ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун иқтисодий рискларни олдиндан аниқлашни таъминлаш бўйича ташкилий-иқтисодий жараённи жорий этиш натижасида соф фойда 60,3 миллиард сўмга ошди ва 2021 йил охирида эса 305,85 миллиард сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2020 йилда 245,57 миллиард сўмни ташкил этган.

Муаллиф томонидан энергетика корхоналари самарадорлигини ошириш соҳасида олиб борилган таҳлил шуни кўрсатдики, замонавий

технологиялардан фойдаланиш туфайли юқори ФИК ва кам эмиссия билан кўмир ёқадиган электр станцияларини ривожлантириш мумкин. Муаллиф ўз ишида электр энергиясини ишлаб чиқаришга ишончли ва барқарор ёндашув бўлган HELE («High Efficiency Low Emissions») технологиясини кўриб чиқади.

Бироқ, ҳозирги вақтда бундай ёндашув кўмир ёқадиган электр станцияларидан CO₂ чиқиндиларининг интенсивлигини камайтириш нуқтаи назаридан асосий ёндашувлардан бири бўлишига қарамай, узоқ муддатда уни карбонат ангидриднинг юқори даражаларига қарши курашиш варианты сифатида кўриб чиқиш лозим. Ҳозирги вақтда HELE технологиясига эга кўмир станциялари тармоқларни муваффақиятли барқарорлаштириш ва бошқариладиган қувватни таъминлаш учун ишлатилади, бу еса ўзгарувчан қайта тикланадиган энергия манбаларининг частотасини юмшатишга имкон беради. Ушбу технология дастлаб Осиёда ишлаб чиқилган — аввал Японияда, сўнгра Хитойда кенг татбиқ этилган ва кейинчалик уни минтақанинг бошқа қисмларида амалга оширишни таъминлаган. Европада у ҳам кенг тарқалган. CO₂ чиқиндиларининг камайиши ФИКнинг ошиши билан боғлиқ. Кўмир станциясининг самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, электр бирлигини ишлаб чиқариш учун камроқ кўмир зарур бўлади.



8-расм. Ҳар хил турдаги ёқилғини ёқиш натижасида ишлаб чиқарилган 1 кВт/соат электр энергиясини ишлаб чиқариш жараёнида CO₂ миқдори чиқарилиши.¹⁹

Бозорда ФИК 49 фоиздан юқори бўлган технологиялар аллақачон мавжуд (ПХС - паст ҳароратли сепарация асосида соф ФИК), аммо ишланмалар давом этмоқда ва яқин келажакда самарадорликнинг энг юқори даражаси 55 фоизга яқинлашиши лозим. 8-расмга кўра, 2022 йилда табиий газни ёқиш орқали 1 кВт электр энергиясини ишлаб чиқаришда CO₂ нинг энг паст миқдори 0,2 кг га тенг бўлган ва CO₂ нинг энг юқори чиқиндилари ўтин (0,39 кг) ва торф (0,38 кг) ёнишидан кузатилган. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш лозимки, дунёда кўмир ёнишидан умумий CO₂ чиқиндилари 44%,


¹⁹ Erneuerbare-Energien-und-Klimaschutz.de, Specific Carbon Dioxide Emissions of Various Fuels, Specif. Carbon Dioxide Emiss. Var. Fuels. (2020). Available online [March 2021] https://www.volker-quaschnig.de/datserv/CO2-spez/index_e.php

